

Атир сепайлик



13:08 / 28.09.2024 3270

Илмий тадқиқотлар хушбўй ҳидларнинг афзалликларини ва уларнинг маълумотни сақлайдиган мия ҳужайраларини фаоллаштиришдаги ролини тасдиқлайди

Германиялик олимлар томонидан олиб борилган янги тадқиқотда атиргул ҳиди каби хушбўй ҳидлар миядаги хотира марказларини фаоллаштириши аниқланди! Шунингдек, яхши ҳидлар миядаги ўрганиш йўлларини мустаҳкамлайди ва инсоннинг кучли хотира соҳиби бўлишига кўмаклашади.

«Science» журналида чоп этилган тадқиқотда ухлашдан олдин атирни ҳидлаш одамнинг кун давомида қилган ишларининг хотирада мустаҳкамлашга ёрдам бериши таъкидланди. Шунга ўхшаш тадқиқотларда ҳам ёқимли ҳид инсоннинг психологик барқарорлигига

ёрдам беришини исботлади

Энди, азизлар, бир-биримизга савол берсак: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам атирнинг мўминнинг ҳаётида муҳимлигини таъкидлаганларми?

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен учун бу дунёингиздан уч нарса маҳбуб қилинди: аёллар, хушбўй нарсалар ва намоз кўзимнинг қорачиғи қилинди», дедилар».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бу шарафли ҳадис биз учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг "дунёвий" шахсиятларини белгилаб беради. У зот алайҳиссалом шон-шухратни, пулни ёки ҳокимиятни хоҳламасдилар, аксинча, у зот алайҳиссалом аёлнинг аҳамияти ва уни эркакнинг ҳаётидаги ролини таъкидладилар. Бу ҳадиси шарифда никоҳнинг муҳимлигига ишора бор. Уламолар никоҳнинг кўплаб тиббий ва психологик афзалликларини аниқлаганликларини унутмаслигимиз керак.

Намознинг аҳамиятини ҳам бу ҳадиси шариф таъкидламоқда. Умуртқа поғонаси, бел ва бўйин оғриғининг олдини олишда намознинг жуда кўп тиббий фойдалари борлигини тадқиқотлар тасдиқлаган. Шунингдек, олимлар масжидда намоз ўқиш юрак хасталиклари, атеросклероз ва қандли диабетдан ҳимоя қилишини исботлаганлар. Бу ҳадиси шариф Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақликларини таъкидловчи мўъжиза эмасми?

Абдуддоим Каҳел мақоласини Нозимжон Ҳошимжон таржима қилди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.